
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ**

1

2021

Тошкент

ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

2021
йил
1-сон

МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР ФИНАНСЫ И НАЛОГИ

Дустов Ф.И.	Венчур молиялаштиришнинг халқаро тажрибаси: АҚШда венчур молиялаштиришнинг институционал жиҳатлари.....	131
Мусалимов Ш.И.	Жисмоний шахсларнинг кўчмас мулккни солиқقا солишда илғор хориж тажрибаси ва уни мамлакатимизда кўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	136
Урманбекова И.Ф.	Корхоналар молиявий ресурслари, уларнинг зарурияти ва шакллантириш асослари.....	142

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СФЕРА УСЛУГ

Джураева Д.Д.	Хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишнинг методологик масалалари.....	148
Исмаилова Н.С., Исаев Қ.А., Ҳамидов И.И. Саттаров Ш.Ҳ.	Ўзбекистон транспорт коридорлари кенгайиши доирасида бир макон бир йўл лойиҳаси амалга ошишининг замонавий тенденциялари.....	156
	Хизмат кўрсатиш корхоналарида харажатларини камайтириш ва ундан олинадиган фойдани кўпайтириш асосида самарадорликни ошириш.....	171

ТАЪЛИМ ОБРАЗОВАНИЕ

Салихов Н.Д.	Мактабгача таълим ташкилотини бошқаришда ташкилий-хуқуқий усулларнинг аҳамияти.....	175
Хакимов Н.Х., Абдумаликов А.А.	Совместные международные образовательные программы как важная форма подготовки высококвалифицированных кадров в Узбекистане.....	181
Хакимов Ф.Қ.	Олий таълим муассасаси таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.....	187
Сафаров О.А.	Таълим тизими бошқарувида стратегик менежмент механизмлари ва бошқарув моделларининг ўрни.....	190

ДЕМОГРАФИЯ, МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ДЕМОГРАФИЯ, ЭКОНОМИКА ТРУДА

Юсупов Р.А. Базарова Г.Г. Абдурамонов Х.Х.	Камбағалликнинг мазмуни, сабаблари ва асосий кўрсаткичлари..... Худудий меҳнат бозорини ривожлантиришнинг кластер шаклини яратиш..... Хорижий мамлакатларнинг эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатларини олдини олиш борасидаги тажрибалари.....	197 201 207
--	--	-------------------

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА

Гаффоров У.У.	Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиши таъминлашда Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш ва инвестицион мухит самарадорлигини ошириш.....	213
---------------	---	-----

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ПРЕДПРИЯТИЯ

Махкамбоев К.А.	Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти кўрсаткичлар бўйича рейтинг натижасининг қиёсий таҳлили.....	217
-----------------	--	-----

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Топилдиев С.Р.	Мамлакатимизда аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-куватлаш механизmlарини такомиллаштириш йўллари.....	221
Амиролов Л.Ф. Маматкулов Б.Ҳ.	Аграр секторни барқарор ривожлантиришнинг услубий жиҳатлари.....	224
Кушаров З.Қ.	Фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етишиширишни ривожлантириш - камбағалликни қисқартиришнинг устувор ўйналишларидан биридир.....	232
Мирзаев С.А.	Турли хўжалик юритиш шаклларидағи қишлоқ хўжалиги корхоналарида гўшт ишлаб чиқаришнинг аҳамияти.....	238
Мирзаев А.Қ.	Қишлоқ хўжалиги тизимида техник хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	241
	Суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий-экологик самарадорлиги.....	244

РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ РЕКРЕАЦИЯ И ТУРИЗМ

Мамаджанов А.А. Мўминов Х.И., Абдуллаева Ҳ.	Ўзбекистонда туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш..... Пандемиянинг Ўзбекистон туризми ривожланишига таъсири.....	248 253
---	--	------------

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИНИ БОШҚАРИШДА ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ УСУЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Салихов Нодир Джамалович -
Бухоро давлат университети докторанти**

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизими бошқарувида менежментнинг ташкилий ҳамда хуқуқий усулларидан самарали фойдаланиш асосидаги натижалар келтирилган. Олинган статистик маълумотлар асосида таҳдиллар ва улардан келиб чиқадиган хулосалар батафсил баён қилинган.

Калим сўзлар: Мактабгача таълим, мактабгача таълим ташкилотини бошқариш, мактабгача таълим тизими менежменти, менежментнинг ташкилий-хуқуқий усуллари, мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари.

Аннотация: В статье представлены результаты, основанные на эффективном использовании организационно-правовых методов управления в управлении дошкольным образованием в Республике Узбекистан. На основе полученных статистических данных подробно описаны анализы и их выводы.

Ключевые слова: Дошкольное образование, управление организацией дошкольного образования, управление системой дошкольного образования, организационно-правовые методы управления, воспитанники организации дошкольного образования.

Abstract: The article presents the results based on the effective use of organizational and legal management methods in the management of preschool education in the Republic of Uzbekistan. Based on the statistical data obtained, analyzes and their conclusions are described in detail.

Key words: Preschool education, management of the organization of preschool education, management of the system of preschool education, organizational and legal methods of management, pupils of the organization of preschool education.

Кириш. Ўзбек халқида ҳар бир инсонни инсонпарварлик, одамгарчилик, ақл-идроклиник, одоб-ахлоқлилик, меҳнатсеварлик, ватан-парварлик, ҳалоллик, поклик, хушсӯзлилик, илмли каби олийжаноб ҳислатлар билан бойитиш қадимдан инсон камолотининг меъёри бўлиб келган.

Мамлакатимиз худудида ёш авлод тарбия-сига бўлган юқори эътибор қадим замонлардан шаклланган бўлиб, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари халқимизнинг ёш болаларга таълим ва тарбия бериш жуда муҳимлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларга юқори сифатли таълим ва тарбия бериш, уларнинг баркамол бўлиб улғайишларига катта эътибор қаратилди. Бу даврда ҳукуматимиз томонидан таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган аксарият чора-тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан ва маънавий соғлом қилиб тарбиялашга қаратилди.

Мустақиллик йилларида республикамизда таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилиди. Мактабгача таълим тизими ҳамда тизимда фаолият кўрсатаётган ташкилотларни бошқариши аксарият ҳолатларида менежментнинг маъмурий ва ташкилий усулларининг намоён бўлди. Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожлан-

ган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-хуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айниқса, мактабгача таълим тизимини бошқарви хуқуқий асосларини ишлаб чиқишига эътибор қаратилиб, қабул қилинаётган кўплаб қонун ва қонун ости хужжатларида маъмурий усуллар, ходимлар фаолиятини тартибга солишининг маъмурий воситалари ҳақида фикрлар юритилган эди. Менежментдаги бу усуллардан тизим ташкилотларини бошқарувида жорий қилиш йиллар давомида ўзининг салбий таъсирларини намоён қила борди.

Асосий қисм. Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев давлат раҳбарлигини қабул қилган даврларининг дастлабки кунларидан бошлаб, мактабгача таълим тизимини тубдан ўзгартириш, соҳада кечикириб бўлмайдиган 2017 йилда бажарилиши шарт бўлган баъзи вазифаларни белгилаб бердилар: “Биринчи вазифа – мактабгача таълим соҳасида очиқ тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади.

Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўкув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш

ТАЪЛИМ

ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди[8].

Президентимизнинг маъruzalariдан ҳам англаш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан 2016 йилга қадар мактабгача таълим тизимидағи ҳолат ҳамда таълим ва тарбия кўрсаткичлари салбий томонга ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарорида соҳада кўзга ташланётган, қисқа муддатларда тузатиш шарт бўлган камчиликлар бирма-бир батафсил кўрсатилди.

Президентимизнинг мактабгача таълим тизимида бераётган юқори даражадаги эътиборлари натижасида, 2017 йилдан ҳозирги давргача қабул қилинган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек, тизимда амалга оширилган ислоҳотлар соҳа ҳамда тизимда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар бошқарувида улкан ижобий ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли фармони, 2017 йилнинг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли ва 2017 йилнинг 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарорлари мамлакатимиз мактабгача таълим тизимида янгича ёндашув берилишининг амалий далили бўлиб ҳисобланди. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимни яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бош бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилди.

Президентимиз ва ҳукуматимиз жуда қисқа муддатда мактабгача ёшда бўлган болаларни

мактабгача таълим ташкилотларига жалб қилиш, қамров даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ҳамда бу тадбирларнинг амалиётга зудлик билан жорий қилиниши ўз самарасини берди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 05 апрелдаги ПҚ-3651-сонли “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли қарори мамлакатимизда нодавлат, оилавий, давлат ва хусусий шерикликдаги мактабгача таълим ташкилотларининг шаклланиши ҳамда фаолиятларини ривожланиб боришида муҳим туртки бўлди. Мамлакатда инвестиция учун яратилаётган ташкилий-ҳукуқий муҳит инвесторларнинг нодавлат, давлат ва хусусий шерикликдаги, оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил қилишлари, қурилиш ишларини жадаллаштириш, фаолиятни кенгайтириб, ривожлантириб боришлиари кескин ошиб борди.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотлари ва уларга қатнайдиган болаларни 2010-2020 йиллар оралиғидаги таҳлили 2020 йилда мактабгача таълим ташкилотлари миқдори 2010 йилга қараганда, 729 бирликка ва ташкилотларга қатнайдиган болалар миқдори 588 587 нафар кишига ошган (1-расм). Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тизимга бераётган эътиборлари натижасида юқоридаги иккала кўрсаткич ҳам 10 йил оралиғида ижобий томонга ўзгарганлиги ижобий ҳолат бўлиб, мактабгача таълим ташкилотлари миқдори ўзгаришида бу эътибор янада ўз ифодасини топади. 2010-2016 йилларда мактабгача таълим ташкилотлари миқдори 6239 бирликдан 5126 бирликка ёки 1113 бирликка камайган. Ҳукуматнинг жорий қилган чора-тадбирлари натижасида, 2017-2020 йилларда мактабгача таълим ташкилотлари миқдори ошиб бориб, 6968 бирликка етган. 2010-2020 йиллар оралиғида мактабгача таълим ташкилотлари миқдорида ҳар йили ўсиш кузатилган. Бу эса 2010-2016 йилларда ҳар бир ташкилотларга қатнайдиган болалар миқдори кескин ошиб борганигини кўрсатади.

Мамлакат худудлари кесимида мактабгача таълим ташкилотларининг миқдорининг таҳлили республикамиз мактабгача таълим ташкилотларининг умумий миқдорида Фарғона вилояти МТТ сони (865 бирлик) юқори улушни 13,9 фоизни, Сирдарё (190 бирлик), Навоий (189 бирлик) ва Жиззах (189 бирлик) 3,0 фоизни эгаллаганини кўрсатмокда (2-расм). Ўз навбатида, республика мактабгача таълим ташкилотлари умумий сонида Қорақалпоғистон Республикаси МТТлари (397 бирлик) 6,4; Самарқанд (659 бирлик) 10,6; Наманган (612 бирлик) 9,8; Андижон (554 бирлик) 8,9; Тошкент шаҳри (515

ТАЪЛИМ

бирлик) 8,3; Тошкент вилояти (501 бирлик) 8,0; Бухоро (425 бирлик) 6,8; Қашқадарё (387 бирлик) 6,2; Сурхондарё (385 бирлик) 6,2; Хоразм (371 бирлик) 5,9 фоизни эгаллашган.




1-расм. 2010-2020 йилларда мактабгача таълим ташкилотлари ва

уарга қатнайдиган болалар миқдорининг ўзгариши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2010-2020 йилларда мамлакатимиз ва худудлар миқёсида мактабгача таълим ташкилотларининг миқдоридаги ўзгаришларни

таҳлил қилиш ушбу даврда мамлакатимиз МТТлари миқдори 729 бирликка ёки 111,7 фоизга ошганлигини кўрсатади (1-жадвал).



2-расм. 2020 йил Ўзбекистон худудлари кесимида мактабгача таълим ташкилотларининг жойлашуви

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2010-2020 йилларда давлат МТТлари миқдоридаги юқори ўсиш Тошкент шаҳрида (117 бирлик ёки 117,4 фоиз) ва энг паст кўрсаткич МТТларнинг камайиш миқдори Хоразм вилоятида (-11 бирлик ёки 97,0 фоиз) кузатилади. Кейинги ўринларни Андижон (103 бирлик ёки 118,6 фоиз), Қашқадарё (95 бирлик ёки 124,5 фоиз), Самарқанд (84 бирлик ёки 112,7 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (69

бирлик ёки 117,4 фоиз), Тошкент (68 бирлик ёки 113,6 фоиз), Бухоро (57 бирлик ёки 113,4 фоиз), Навоий (56 бирлик ёки 129,6 фоиз), Наманган (31 бирлик ёки 105,1 фоиз), Жizzax (28 бирлик ёки 114,8 фоиз), Сурхондарё (27 бирлик ёки 107,0 фоиз), Фарғона (9 бирлик ёки 101,0 фоиз), Сирдарё (-4 бирлик ёки 97,9 фоиз) вилоятлари жойлашган.

ТАЛЬИМ

1-жадвал

Мактабгача таълим муассасалари сони, бирлик

Худудлар	Йиллар						2020 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
	2010	2012	2014	2016	2018	2020	+,-	%
Қорақалпоғистон Республикаси	397	330	319	320	317	466	69	117,4
Андижон	554	460	460	461	456	657	103	118,6
Бухоро	425	349	348	344	343	482	57	113,4
Жиззах	189	168	169	171	176	217	28	114,8
Қашқадарё	387	363	337	332	329	482	95	124,5
Навоий	189	134	130	129	131	245	56	129,6
Наманган	612	474	478	468	474	643	31	105,1
Самарқанд	659	571	554	565	566	743	84	112,7
Сурхондарё	385	295	295	293	286	412	27	107,0
Сирдарё	190	149	157	151	152	186	-4	97,9
Тошкент	501	457	456	440	452	569	68	113,6
Фарғона	865	697	686	678	665	874	9	101,0
Хоразм	371	263	257	251	253	360	-11	97,0
Тошкент ш.	515	511	514	523	586	632	117	122,7
Жами:	6239	5221	5160	5126	5186	6968	729	111,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2010-2020 йилларда МТТларга қатнайдиган болалар миқдорини мамлакатимиз ва унинг худудлари бўйича таҳлили ушбу даврда мамла-

катимиз МТТларига қатнайдиган болалар миқдори жами 588 587 нафарга ёки 211,7 фоизга ошганлигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

2010-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси худудлари МТТлари тарбияланувчилари миқдоридаги ўзгариш, киши ҳисобида

Худудлар	ЙИЛЛАР						2020 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш	
	2010	2012	2014	2016	2018	2020	+,-	%
Қорақалпоғистон Республикаси	31401	48963	31962	39677	50507	82737	51336	263,5
Андижон	41069	42304	44171	53099	58446	111478	70409	271,4
Бухоро	25629	25440	28069	31902	40105	67260	41631	262,4
Жиззах	25546	25454	25741	23668	20367	45110	19564	176,6
Қашқадарё	28995	26983	26637	30339	58388	66035	37040	227,7
Навоий	18913	15042	19564	21104	24732	34777	15864	183,9
Наманган	43669	44558	45440	48650	57444	104569	60900	239,5
Самарқанд	45542	47138	50203	61167	65550	126285	80743	277,3
Сурхондарё	24199	20916	24754	26912	29021	53712	29513	222,0
Сирдарё	14340	13399	15295	15775	19131	30359	16019	211,7
Тошкент	49360	46131	56087	62714	67494	81045	31685	164,2
Фарғона	65130	62143	74432	75767	85092	130269	65139	200,0
Хоразм	22115	20254	20388	22009	33502	55250	33135	249,8
Тошкент ш.	90942	94952	113062	121269	123073	126551	35609	139,2
Жами:	526850	533677	575805	634052	732852	1115437	588587	211,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.


Кўрсатилган даврда МТТларга қатнайдиган болалар миқдорида энг юқори ўсиш Самарқанд вилоятида (80 743 нафар ёки 277,3 фоиз) ва энг паст кўрсаткич Навоий вилоятида (15 864 нафар ёки 183,9 фоиз) қайд қилинган. МТТларга қатнайдиган болалар миқдорининг ўсиши кўрсаткичи бўйича кейинги ўринларда Андижон (70 409 нафар), Фарғона (65 139 нафар), Наманган (60 900 нафар), Қорақалпоғистон Республикаси (51 336 нафар), Бухоро (41 631 нафар), Қашқадарё (37 040 нафар), Тошкент шаҳри (35 609 нафар), Хоразм (33 135 нафар), Тошкент вилояти (31 685 нафар), Сурхондарё (29 513 нафар), Жиззах (19 564 нафар), Сирдарё (16 019 нафар) вилоятлари жойлашган.

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича мактабгача таълим ташкилотларига қатнайдиган болалар миқдори турлича (3-расм).

МТГа қатнайдиган болалар миқдорининг

энг юқори миқдори Фарғона вилоятида (130 269 нафар) қайд әтилган бўлиб, энг кам миқдор Сирдарё вилоятига (30 359 нафар) тегишилдири. Маълумки, МТГга қатнайдиган болалар миқдорига ҳудуддаги аҳоли миқдори, аҳоли зичлиги, МТГлар миқдори, уларда яратилган шароитлар, аҳоли истиқомат қиласидиган ҳудудга яқинлиги каби омиллар таъсир қиласиди. МТГга қатнайдиган болалар миқдори бўйича кейинги ўринларда Тошкент шаҳри (126 551 нафар), Самарқанд (126 285 нафар), Андижон (111 478 нафар), Наманган (104 569 нафар), Қорақалпоғистон Республикаси (82 737 нафар), Тошкент вилояти (81 045 нафар), Бухоро (67 260 нафар), Қашқадарё (66 035 нафар), Хоразм (55 250 нафар), Сурхондарё (53 712 нафар), Жиззах (45 110 нафар), Навоий (34 777 нафар) вилоятлари жойлашган.

ТАЪЛИМ




3-расм. 2020 йил Ўзбекистон худудлари кесимида мактабгача таълим ташкилотлари ва уларга қатнайдиган болалар миқдори

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз ва унинг худудлари кесимида мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамров даражаси таҳлили мамлакатимиз жами МТТлари бўйича уш-

бу кўрсаткич 32,4 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилдаги 17,5 фоиз миқдорга нисбатан 14,9 пунктга ошганлигини кўрсатади (4-расм).



4-расм. Мамлакат ва худудлар кесимида мактабгача ёшдаги болаларни МТТларга қамров даражаси

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамров даражаси энг юқори миқдори Тошкент шахри (58,5 фоиз) ва энг паст миқдори Қашқадарё вилоятида (18,1 фоиз) кузатилади. Кейинги ўринларда Коракалпогистон Республикаси (42,3 фоиз), Бухоро вилояти (36,8 фоиз), Сирдарё (36,3 фоиз), Наманган (36,2 фоиз), Фарғона (35,3 фоиз), Навоий (35,0 фоиз), Андижон (34,4 фоиз), Жиззах (31,4 фоиз), Самарқанд (30,4 фоиз), Тошкент (29,6 фоиз), Хоразм (29,4 фоиз), Сурхондарё (18,3 фоиз) вилоятлари жойлашган.

Хулоса. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида мактабгача таълим тизимига эътибор камайганлигини 2010-2016 йилларда мамлакатимиз мактабгача таълим ташкилотлари миқдорининг 6239 тадан 5126 тагача ёки 1113 бирликка камайганлигида яққол кўриш мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг тизимга катта эътибор берганликлари натижасида қисқа муддат, яъни 2017-2020 йиллар тизимда амалга оширилган ислохотлар самарасида 2020 йил мамлакатимиз мактабгача таълим

ташкилотлари миқдори 6968 тани ташкил қилиб, 2016 йилдаги ушбу кўрсаткичдан 1842 бирликка кўп бўлишига эришилди. Сўнгги йиллар мамлакатимиз бўйича эришилган бундай ижобий натижада Тошкент шаҳри, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида кўплаб миқдорда янги замонавий мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва ишга тушириш ўрни бекиёс, бироқ 2010-2020 йилларда мактабгача таълим ташкилотларининг Хоразм вилоятида 11 бирликка, Сирдарё вилоятида 4 бирликка камайганлиги, шу даврда Фарғона вилоятида атиги 9 бирликка кўпайганлиги салбий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Мактабгача таълим тизимининг муҳим кўрсаткичларидан бири мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш даражаси бўлиб, мамлакатимизда 3-7 ёшли болаларнинг 32,4 фоизи мактабгача таълим ташкилотларига қатнаётгани ижобий паст миқдор бўлсада, 2015 йилдаги 17,5 фоизга қараганда, 14,9 пунктга кўплиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг юқори миқдорда бўлишида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Навоий вилоятларининг ижобий таъсирлари юқори бўлиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бу кўрсаткичнинг атиги 18,0 фоизлар атрофида бўлиши ачинарли вазиятдир.

Хукуматимизнинг мактабгача таълим тизими бўйича ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларида Хоразм, Сирдарё ва Фарғона вилоят-

ларида янги мактабгача таълим ташкилотлари ташкил қилинишига ҳамда республикамизнинг барча ҳудудлари, айниқса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мактабгача таълим ташкилотларида шароитларни яхшилаш, замонавийлаштириш ҳамда тарғибот ишларини кучайтириш асосида, мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олишнинг юқори кўрсаткичларига эришилари эътиборга молик фаолият бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, мамлакатимизда сўнгги йилларда мактабгача таълим тизими бошқарувида менежментнинг ташкилий ҳамда ҳуқуқий усуллари самарали кўлланилганлигини сўнгги беш йил мамлакат бўйича мактабгача таълим ташкилотлари миқдорининг 1842 бирликка, мактабгача ёшдаги болаларни қамров даражаси 14,9 пунктга ошганлигига аниқ қўришимиз мумкин. Бироқ, кўплаб ривожланган мамлакатларда мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамров даражаси 60-70 фоиз бўлган бир вақтда мамлакатимизда ушбу кўрсаткичнинг 32,4 фоиз эканлиги ачинарли ҳолатдир. Бундай ҳолатда тизимнинг бошқарувида менежментнинг иқтисодий ва ижтимоий-психологик усулларидан самарали фойдаланиш натижасида, мамлакатдаги мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамров даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент : "Халқ сўзи" газетаси, Қонун, 2019 йил. - pp. 1-2.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент : Халқ сўзи газетаси, Қонун, 2020 йил. - pp. 1-2
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан токомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3261-сонли Қарори. -Тошкент: Халқ сўзи газетаси, Қарор, 2017 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиши тўғрисида"ги ПҚ-3305-сонли Қарор. -Тошкент: Халқ сўзи газетаси, Қарор, 2017 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 05 апрелдаги ПҚ-3651-сонли "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сонли Қарори. - Тошкент: Халқ сўзи газетаси, Қарор, 2018 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4312-сонли Қарори. - Тошкент: Халқ сўзи газетаси, Қарор, 2019 йил. - pp. 1-2.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан токомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5198-сонли Фармони. -Тошкент: Халқ сўзи газетаси, Фармон, 2017 йил.
8. Ш.М.Мирзиёев "Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ўйналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажслисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б. 47-б.
9. Ш. Шодмонова Мактабгача таълим педагогикаси [Book]. - Тошкент : Фан ва технология, 2008.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари.